



СССР СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН 17 январь 1971 йил, якшанба № 14 (14.784). Ҳақси 2 тийин.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ

Жун ва ипак кўйлаклар тикшиш бўйича ихтисослаштирилган Тошкентдаги 2 тикувчилик фабрикасида баҳорги ёзи мавсуми учун кўйлакларнинг татта туркуми тайёрланди. Модели гулдор «Магнолия» ва «Лаванда» газламаларидан тикилган ипак кўйлаклар улар орасида ўзининг бежиримлиги билан ажралиб туради. Бу йил корхона ҳаммаси бўлиб 138 хил янги моделдаги кўйлак ишлаб чиқаришни ўзлаштиради.

Фабрика коллективи КПСС XXIV съезди шарафига меҳнат ваҳасида туриб, ҳозир бир кунда 1700 та кўйлак ишлаб чиқармоқда. Бу декабрь ойида ҳар кун тикиб чиқарилган кўйлақдан юзта ошқидир. Тошйириланган маҳсулотнинг 96 проценти биринчи сортларга қабул қилинапти. Тикувчилар биринчи квартал планини 28 мартда бажаришга аҳд қилиб, планга қўшимча равишда икки минг донга кўйлак ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар.

СМЕНА ТОПШИРИГИ ОШИРИБ БАЖАРИЛЯПТИ

Нарпай районидagi пахта тозалаш заводи коллективи ўтган беш йилликни муваффақиятли янқулаган эди. Улар КПСС XXIV съезди шарафига меҳнат совғаси таъйрлашга интилади 1971 йилнинг дастлабки ўн кунда пландаги 816 тонна ўрunga 870 тонна тола ишлаб чиқаришди. Қаршибой Эшматов, Нами Хусниддинов ўртоқлар бошлиқ смена ишчилари аса кунгига 32 тонна ўрunga 40 тонна ва ундан ҳам ошириб пахта толаси таъйрлаб бермоқдалар.

Завод коллективи 1971 йил биринчи квартал планини 27 мартга бажариш, съезд оқалдиған кунгача қўшимча 300 тонна тола ҳамда 30 тонна мовиқ ишлаб чиқаришни режалаган.

Л. ЭРГАШЕВ.

А. Н. КОСИГИН ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин қисқача визит билан Москвага келган Америка сенатори Э. Маскнин 15 январда Кремлда қабул қилди. Демократик партиянинг таъйиди арбий, АНШнинг СССРдаги собиқ элчиси

ЯНГИ БОҒЛАР

Бухоро областининг меҳнаткашлари киш фаслининг ҳаво илик келган кунларида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказишни қизгин давом эттирмоқдалар. Шу кунгача бир миллион 400 минг тунга яқин турли хил кўчатлар ўтказилди. Шунингдек, 68,7 гектар майдонда янги тоқозор, 23 гектар ерда тутқилик плантацияси, 61 гектар территорияда боғ бунёда келтирилди. Шаҳар ва қишлоқларда манзарали дарахт ўтказиш топшириқлари муваффақиятли адо этилди. Миришкор боғбонлар мева ва манзарали дарахтларнинг агротехниканинг қишқи қондалари асосида парвариш қилмоқдалар.

У. САФАРОВ.

ПИШЛОҚ ЦЕХИ

САМАРҚАНД. («Совет Ўзбекистони» муҳбири). Оқтоп шаҳридаги сут заводининг қуввати ортапти. Утган беш йилда унинг асосий цехлари реконструкция қилинган эди. 1971 йил корхона коллективи учун қўтулуқ келди. Заводда пишлоқ цехи қурилиб боти. Янги қувват йилга қўшимча 500 тонна пишлоқ ишлаб чиқариш имконини беради.

А. Гарриман сенаторга ҳамроҳ бўлиб келди. Бўлиб ўтган норасмий суҳбат чоғида ҳозирги халқаро аҳвол ва Совет—Америка муносабатларининг бир қанча муҳим масалалари тилга олинди.

(ТАСС).

УМУМЖАЛҚ МУСОБАҚАСИ

Колхозчиларнинг Бутуниттифон III съезиди қабул қилинган Уставида колхозларда ички хўжалик ҳисобини жорий қилиш билан уларни янада такомиллаштириб бориш кўзда тутилган. Пахтакор колхозларда ички хўжалик ҳисоби 1958 йилдан бун жорий қилиниб келинапти йилларда такомиллашиб бормоқда. Ингичка толали пахта академик хўжаликларда ҳам ички хўжалик ҳисобини жорий қилиш юзасидан аича таъриблар тулланди.

Районимиздаги 10 пахтакор колхоздан 1968 йилгача 6 таси ҳам ингичка толали нав, ҳам ўрта толали пахта экар эди. 1970 йилда «Коммунизм» ва Карл Маркс номи колхозлардан ташқари ҳамма хўжаликлар ингичка толали пахтани 100 процент экардиган бўлилар.

Ички хўжалик ҳисоби жорий қилинганда бригада ва фермаларнинг фаолияти асосан хўжалик ҳисоби топшириқларининг бажарилиши даражасига қараб баҳоланди. Шу сабабли, ички хўжалик ҳисобини тўғри жорий қилишда бригада ва фермаларнинг фаолиятларини планлаштириш ва уни кескин яхшилаш талаб қилинади.

Ички хўжалик ҳисобига ўтган бригада ва фермаларнинг ишлаб чиқариш молия планлари ва технология карталарини ўз вақтида ва илмий ниҳатдан асосланган ҳолда пул материал сарфи лимитларини, иш ҳақи фондини тўғри белгилаб бериш катта аҳамиятга эгадир. Агар бригадада берилдиган план топшириқлари иқтисодий жиҳатдан асосланмай, улардаги кўрсаткичлар ошириб ёки пасайтириб юборилдиган бўлса, бу ҳол бригада ва фермаларнинг иш вақтига янада нисбатан тўғри баҳо беришига, бригада аъзоларига туланидиган асосий ва қўшимча иш ҳақини пасайиб қетишига ёки ноўрин ошириб юборилишига олиб келади. Оқибатда ички хўжалик ҳисобининг самарадорлиги пасайди.

Планнинг ўз вақтида тузили-

ши ва белгиланган агротехника тадбирининг ўз вақтида ўтказилиши экин майдонларига қилинган пул ва материал сарфинининг ўрилли бўлишига, ҳосилнинг ошинишга самарали таъсир қилади. Ички хўжалик ҳисобининг самарадорлигини ошириб бригадада берилдиган лимитларнинг тўғри белгиланишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Иш ҳақи фондини тўғри планла-

штириш учун бажариладиган иш ҳажмининг ва иш нормасини илмий жиҳатдан тўғри планлаштириш керак. Бу соҳада йўл қўйилган халқлар йил охирида ишлаб чиқариш натижаларига қараб яқин чиқаришда аниқлашмоқчиликларга олиб келади. Бир бригада аъзолари асосан равишда қўшимча ҳақи олмасдан қолмас, айрим бригадалар аксинча кўпроқ ҳақ олади.

Районимиздаги «Қизил юлдуз», Қуйбеш номи, «Намуна» колхозларида бригадаларнинг конкрет шартларини ҳисобга олиниб, Қуйбеш номи колхозда 1969 йилда 15 та пахтачилик бригадасининг 5 тасидан 16—20 центнер, 8 тасидан 20—23 центнер, иккитасидан 23—25 центнергача ингичка толали пахта ҳосили олини планлаштирилиб, ҳар 100 сўм пул даромаддан 25 сўмдан 35 сўмгача иш ҳақи фондига ажратилган, шунингдек «Намуна» колхозда ҳам ҳосилдорлик бригадалар ўртасида

га мувофиқдир. Чунки кам ҳосилли бригадаларнинг ер шароити ёмонлиги оқибатида, унда қўшимча ишлар, харажатлар қилинади ва паст ҳосилли бригада учун иш нормалари ҳам аича паст бўлади. Буларнинг ҳаммаси ҳаражатларнинг қўшимшига ва маҳсулот танархисининг юқори бўлишига сабаб бўлади. Шу билан бир қаторда айрим колхозларда, ҳатто илгор колхозларда ҳам ер шароитини, сувга бўлган талабни, ишчи кучи билан таъминланишининг олдинги 3 йилдаги ўртача ҳақиқий ҳосилдорлигини ҳисобга олмасдан бригадаларга бир текис ҳосилдорлик планлари, пул ва материал харажати лимитлари белгилашиб, хатоларга йўл қўйилди.

Натижада ҳосилдорлик планини юқори ҳосилли бригада учун ҳам, кам ҳосилли бригада учун ҳам бир хил қилиб белгилади.



СИРДАРЕ ОБЛАСТИДА БИРИНЧИ УН КОМБИНАТИ

Жиззах ун комбинатининг биринчи невабти ишга туширилди. Комбинат омибри 33 минг тоннадан зиёроқ донин қабул қилиб олишга тайёр. Темир йўл вагонлари ва автомобилларнинг юкларини туширишдан тортиб силос корпусларини тўлдиршгача бўлган барча ишлар автоматлаштирилган, транспортларнинг мураккоб системасини, кўтаргич механизмларини, навларига ажратилиш, дон тозалогичларини махсус пултдан бир юшми бошқариб туради. Комбинатнинг иккинчи невабт қурилишида ишлар графикдаги дон илгари олиб беришмоқда. Темир йўл ва омихта ем заводи фундаментларига бетон ётқизилади. Бригадалар барча асосий объектларда арматура йиғишни тугатишмоқдалар. [ЎзТАГ].

Чирчиқ шаҳридаги қийим эрийдиган ва ўтга чидамли металл комбинатининг коллектив партияни XXIV съезди шарафига бошланган социалистик мусобадада янги-янги галабаларни йўлга киритмоқда. Суратда: коллективнинг илгор ишчиларидан Улуғнисо Дўстмухамедовани кўриб туришди. У кундалик топширини ҳар донга 1,5 бараварга етказиб бажаришмоқда. И. Глауберзон фотоси.

СЎЗ—ТАЖРИБАКОРЛАРГА ДАРОМАД МАНБАИ

13 центнердан 29 центнергача фарқ қилади. Бунда, албатта олдинги йиллардаги ҳақиқий ҳосилдорлик ҳисобга олинган, маҳсулот бирлигига қилинадиган пул ва материал сарфини планлаштиришда ҳам юқори ҳосилли бригадага камроқ, кам ҳосилли бригадага кўпроқ планлаштирилган. Бундай метод мансад-

Ҳосилдорлик плани икконтиниатдан юқори қилиб белгиланган бригада аъзолари қўшимча ҳақ олтидан қисман маҳрум бўлади ёки кам ҳақ олади. Бунга Термиз районидagi «Октябрь 40 йиллиги» колхозини мисол бўла олади. Бу колхозда 20 та пахтачилик бригадасининг ҳаммасига 1968 йилда 27 центнердан,

Ҳар бир группадан 10 гектар пахта майдони учун иш ҳақи, пул-материал сарфи колхоздаги нормаларга асосланиб ҳисоблаб чиқилди ва ҳар бир бригаданингу умумий майдонга қўйлатириб ҳаражатлар плани берилди. Натижа ёмон бўлди. Ҳосилдорлик олди. Пахтачининг танархис аяроллиш Даромад ҳам мўлжалданган ортиқ бўлди.


Бригаданингу ишлаб чиқариш топшириқлари ва технология карталарини тузишда мутахассислар билан бирга илгор колхозчилар, механизаторлар ҳам қатнашди. Улар берган маслаҳатлар ҳисобга олинди. Бундай ҳолда колхознинг ишлаб чиқариш-молия планларини тармоқларнинг ишлаб чиқариш топшириқлари ва технология карталарини тез ва сифатли тузиш мумкин. Сифатли тузилган планларнинг самараси ошмоқда. Шунинг учун ҳам колхозда 1969 йилда 955 гектар пахта майдонидан 33,4 центнердан 3198 тонна, 1970 йилда эса 965 гектар пахта майдонидан 36,8 центнердан, жами 3551 тонна ингичка толали пахта ҳосили етиштирилди.

Пул даромади 1969 йилда 2 миллион 400 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 1970 йилда 3 миллион сўмдан ошди кетди. Ҳар центнер пахта майдонидан олтидан пул даромад 2 минг 860 сўмни ташкил қилди. Ички хўжалик ҳисобининг тармоқларга ишлаб чиқариш планларини ва технология карталарини сифатли ва ўз вақтида тузиб беришда колхоз иқтисодчилари билан бирга мутахассислар, илгор колхозчилар қатнашсалар яхши бўлади ва янги беш йилликда қўйилган улкан вазибалар теороқ ҳал қилинади.

Кулмурод БОЗОРОВ. Сурхондарё область колхозлар кенгаши раисининг ўринбосари. Термиз районидagi «Қизил юлдуз» колхозининг раиси.

БУЮК ДЎСТЛИК РАМЗИ

Асвон гидроэнергетика комплексининг тантанали очилиши



Асвон, 15 январь. (ТАСС махсус муҳбири). Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техникавий ёрдами билан қурилган Асвон гидроэнергетика комплексининг бугун Асвонда тантанали очилиш маросими бўлди. Тўғон ва гидроэлектр станциянинг очилишидек шонли воқеанингу шохидлари бўлмоқ учун мингмиглар курувчилар ва Асвон аҳолиси эрталабдан бошлаб йиғилди. Тўғоннинг қиррасида ва Нил соҳиллари бўйлаб жуда катта табрик транспарантлари тортилган ҳамда Бирлашган Араб Республикаси билан Совет Иттифоқининг байроқлари қадаб қўйилганди. Гидроэнергетика комплексини очиш маросимда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, БАР президенти А. Садат, БАҒнинг вице-президенти, министрлари ва бошқа раҳбарлари, Н. В. Подгорнийга ҳамроҳ бўлиб Совет Иттифоқидан келган расмий кишилар — СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Н. М. Матчонов ва бошқа ўртоқлар, Судан, Ливия, Сомалидан келган делегациялар ҳозир бўлилар. Фенаралер маросим бошланганлигидан дарак беради. Йиғилганларнинг гулдурас қарсақлари ва совет — араб дўстлиги шарафига айтилган табрик сўзлари остида президент А. Садат тўғон қиррасида Нил дарёсининг кудратли суви рамзи сифатида махсус ўрнатилган эангори пештоқдаги лентани қирқиб юборади. БАР президенти А. Садат ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний Асвон комплексининг яратилишига катта ҳисса қўшган Жамол Абдил Носир номидаги Асвон тўғони қурилиши шарафига қўйилган мармар тахтани тантанали вазиятда очдилар. СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Билан БАР президенти Асвон тўғонининг аҳамиятини тўғрисида ҳикоя қилувчи маълумотлар билан танишадилар. Машина залда Асвон гидроэлектр станциясининг расман очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Ишчилар Н. В. Подгорнийни, Совет Иттифоқидан келган бошқа расмий кишиларини самимий табриқладилар. Сўнгра Н. В. Подгорний, А. Садат ва уларнинг ҳамроҳлари Асвонга қайтиб келишди. Уларни атраф қишлоқларнинг аҳолиси йўл ёқасида қизгин табриқлади.

АСВОН ГИДРОЭНЕРГЕТИКА КОМПЛЕКСИНИНГ ИШГА ТУШИРИЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ДЕКЛАРАЦИЯНИНГ ИМЗОЛАНИШИ

Асвон, 15 январь. (ТАСС). Бугун бу ерда тушдан сўнг Асвон гидроэнергетика комплексининг битказилганлиги ва ишга туширилганлиги тўғрисидаги Декларацияни тантанали вазиятда имзолаш маросими бўлиб ўтди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний билан Бирлашган Араб Республикасининг президенти Анвар Садат имзолаган Декларацияда бундай дейлади: Совет Иттифоқи ва Бирлашган Араб Республикасининг номидан эълон қилмазики, Асвон гидроэнергетика комплексининг қурилиши белгиланган муддатда муваффақиятли битказилди. Миср халқига мустамалакчиликни тугатишга ҳамда тараққиёт ва равақ топшиш йўлида ўз иқтисодий қобилиятларини ривожлантиришга имкон берган 1953 йили шонли революция мана шу улғурвой лойиҳанингу амалга оширилиши учун жуда муҳим эамин бўлди. Асвон гидроэнергетика комплексини қурилишининг муваффақиятли битказилиши Миср халқининг катта галабаси, Миср халқининг социал-иқтисодий тараққиёт, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидир. Миср фарзанди Улмас йўлбоши Жамол Абдил Носир белгилаб берган йўлдан боришга аҳду паймон қилганлигининг далилидир.

Бу улкан қурилиш буюк зафар бўлиб, тарих улмас йўлбоши Жамол Абдил Носирнинг хотираси сифатида мангу сақлайди ва у ҳамма Жамол Абдил Носир номи билан аталади. Совет халқи ўз озодлиги ва мустақиллиги учун империяларга ва мустамлакачиликка қарши курашаётган халқлар билан ҳамма соҳаларда дўстона ҳамкорлик қилиш ленинча принципларига амал қилиб, Миср халқига дўстлик қўлини узати ва Асвон гидроэнергетика комплексини лойиҳасини амалга оширишда бирон сийси ёки бошқа шартларни қўймай, қардошларча ёрдам кўрсатди. Совет Иттифоқи 1958 йилнинг 27 декабрида Қоҳирада ва 1960 йилнинг 27 августиди Москвада имзоланган битимларга мувофиқ Нил дарёсида шу улкан комплексни қуриш учун Бирлашган Араб Республикасига зарур ёрдам ва қарзларни берди.

Асвон гидроэнергетика комплекси фаҳат ўзининг техникавий жиҳатдан ҳал этилиши билангина эмас, шу билан бирга бажарилган ишларнинг катталиги ва ҳамма жиҳатидан ҳам ноёб комплекс ҳисобланади. Бу ишроот жаҳон гидроиншоотлар қурилиши практикасида, янгилик, совет техника тафаккурининг катта ютуғи, совет фани ва техникасининг муваффақияти, Совет ва Миср олимлари, инженерлари ва ишчиларининг самарали иккотирий ҳамкорлиги натижасидир. Бу улғурвой қурилиш неча ўн минглаб мисрликлар таълим олишига сабаб бўлиб, улар юқори малакали мутахассислар бўлиб етишдилар.

Асвон комплексининг қурилиши БАР миллий экономикасини ривожлантиришга жуда катта ҳисса бўлиб қўйилди. Асвон ГЭСининг 2 миллион 100 минг киловатт қувватли электр энергияси мамлакатнинг бундан буюғи индустриллаштириш учун, экономикасининг янги-янги соҳаларини вужудга келтириш учун пухта энергетика базаси бўлиб хизмат қилади. Асвон давлатлар ўртасида соғлом, тенг ҳуқуқли муносабатларнинг чинакам намунаси бўлиб, ривожланаётган ёш мамлакатлар социализм нуҷлари билан ҳамкорлик қилсалар ўзларининг сийси ва иқтисодий мустақилликларини мустаҳкамлашда катта катта муваффақиятларга эришишлари мумкин эканлигининг яққол далили бўлади.

Баланд Асвон тўғони ва у билан боғлиқ объектларни қуриш чоғида СССР билан БАР халқлари ўртасидаги дўстона алоқалар янада мустаҳкамланди. Асвон гидроэнергетика комплекси бузиламас совет—араб дўстлигининг абадий рамзи бўлиб қолади. БАР халқи учун тарихий шу кунда ҳар некала томон айтдиларки, Совет Иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикаси халқлари ўртасида вужудга келган дўстлик ва ҳамкорликнинг илдири чуқур ва бу ўткнчи дўстлик ва ҳамкорлик эмас. Бу дўстлик ва ҳамкорлик умумий тинчлик, халқлар озодлиги ва тараққиёт учун олиб борилаётган кураш муштараклигининг мустаҳкам заминига асосланган.

Баланд Асвон тўғонининг кўриниши. («ПРАВДА» фотоси).

Ақсобиёт ва санъат

◆ АЖОЙИБ КИШИЛАР ҲАҚИДА ОПЕРА
◆ ЯНГИ НАЗМЛАР
◆ НАҚҚОШНИНГ НОЗИК САЊЪАТИ

«РУС КИШИЛАРИ»

ТЕАТР

Янги шеърлар

Ватан шаънига

Кичкина уйимнинг остонасидан Каттакон Ватаним бошданиб кетар,
Ҳар ерда дўстларнинг хангомасидан Яўларим мунаввар, дилим мунаввар.

Ватаним қанчалик бўлса бепоён,
Бағрида дўстлар ҳам шунча беҳисоб.
Ҳар бирин уйда бўламан мэхмон,
Куттишар жилмайиб, мисоли офтоб.

Енимда дўстларим, сайр этман шод,
Куйлайман, тоғларим берар ёлс сад,
Куйлайман, куй билан кунларим обод,
Куй билан ортади меҳр ила вафо.

Куйлайман далалар кўнисида незиб,
Бугдойзор, пахтазор жўр бўлар анграб,
Рўқнида кўш наби ангиллик сезиб,
Юраман, дилимда кувонч лабо-лаб.

Куйлайман ам-яшия ўрмонлар аро,
Ботирлар руҳини ёд этиб ҳар дам,
Куйлайман тўқинида уммонлар аро,
Қалбимда тўқиндай жасорат ҳамдам.

Ватаним йўллари нақадар узун,
Ҳар ерининг узгача шаъқи, зақи бор,
Йўл юриб, ҳар ерининг тоғиб мон, тузин,
Кўрганам одамлар гоёт бегубор.

Менга ҳам кўндирмай заррача губор,
Соддалик бахш этдинг, она турогим,
Бағрингда сабр ила ҳамшира бедор
Топганим туганмас оҳанг турогим.

Минг қарра ташанкур, она-Ватаним,
Бағрингда беҳисоб сажий дўстларим,
Дўст эрур давлатим, бутун тоғганим,
Порлайди кўзларга тўшса кўзларим.

Дўстларим бор экан, демак сен борсан,
Ҳаммамиз сен учун курашчан посбон.
Посбонлик илмида сен маддиюрсан,
Демакки, сен омон ва биз ҳам омон.

Тоғларим

Қишлоқдан тоғлар бағрида,
Атрофларга боқман хайрон.
Гуё бу ер олам дараддан
Беҳабардек беириим кўрган.

Бунда бирдан чўнар қоронгу,
Сизёхнин тоғларга сурмаб.
Лекин дилга чўқмаган қайғу,
Тун уринмас вазваса пурмаб.

Кеча ўтмас минг хил қайғуда,
Кеча ўтмас кўнунда бедор.
Уйку бўлар ширин, осуда,
Тўрт томонда тоғларим девор.

Олий бурч

Бургут учар экан юксакда,
Из қолдирмай бўшлиқлар аро.
Бизлар қанча галат юрсан-да,
Насиз ўтмоқ палат, норово.

Нақанг сузар денгиз кўйида,
Из қолдирмай тўқинлар аро.
Гирдобларнинг шўх уйида,
Из қолдирмоқ унга норово.

Бу олий бурч нисонга насиб,
Тулпор бор гоҳ қаттиқ, гоҳ чанг.
Из қолдирмоқ бўлар муносиб,
Ерда юрсанг ва ерин севсанг.

Кексаларга

О, кексалар, ёмонни нечун,
Қарғамасиз, тилайсиз инсоф?
Курбон бўлай сўзингиз учун,
Талабнинг бўлса муштамоқ.

Гўр тузатар бунури фанат,
Минг афсусқим, бунулар сероб.
Ундайларга қилсангиз тоғат,
Бора-бора этмасин ҳароб?

Нечун бунча бўшлиқ,
Юшқоқлик, Этингода бўлмоқлик асир?
Емонлар ҳам бўлса қулоқлик,
Этмасинди сўзингиз тахсир?

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

Собиър АБДУЛЛА

Ўзбекистон халқ шоири

ФАЗАЛАЛАР

ЁШЛИККА МУРОЖААТ

Бос йўлни ёни маромида: шовша, адашма ёшлик.
Шовсанг адаштираб йўл, албатта, шовша ёшлик.
Шўх бўл, олов юрак бўл, ёшликнинг ҳусни ортсим,
Мағрурликни валекин ҳадданган ошма ёшлик.
Дарёча мавий уриб оқ, денгиз мисоли ҳайфур,
Шу нисбатинг кифон, атрофга тошма ёшлик.
Ут бўл, алангалангин, куйдир тўсиқни йўлда,
Учма, ўчишни билма, ҳасдек туташма ёшлик,
Ишқ бўлсин соф юрандан, сев эл билан Ватанин,
Дуч келса йўлда агёр, қўрқма, бўшашма ёшлик.
Кенг бўл жаҳон наби сен, дилга жаҳонини жойла,
Олтинни бир тепиб ўт, дунё талашма ёшлик.
Кенсайганида Собиър, ёшликнинг қадри ўтди,
Қилгай анга узоқдан нозу-нарашма, ёшлик.

СОЧИ ОҚАРГАНЛАР МУТОЙБАСИ

Тарамоқ мен тиласан сочини: ҳазор этди тарақ,
Чунки, дил акси тушиб, бўлган эди сочларим оқ.
Кўнгал оқ, она суги сингари или-йўрғандан,
Ана шу сут наби покиза кўнгал шеърга бўлоқ.
Ёшлар, сочларимиз оқилдиган кўнгаллар,
Киши оқ йўл тилагай, гоҳ сафари бўлса йироқ.
Етмадин биз қора соч қадрига, сиз энди етинг,
Йил ўтар йилни кўвиб, «тўхта»га солмайди кўнгал.
Гапирсан пок муҳаббат ҳақида: кўнгал бирок,
Баҳрасиз елга нисиб, баҳра эли қилса сўроқ.
Тиласанг гар тушунми: тоза муҳаббат сирини;
Бери кел! Истамасанг, ишқдан узоқ ерга улоқ!
Бўлмаса ишқ агар қалбида ҳар одамнинг,
Ва на зақи унда, ва на фазлу шуур! Чўл наби қон.
«Лутф»ни таржимада «қажр» ёзиб бир ноқини,
«Васл»нинг маъносини шарҳ қилур «ҳажру фирқон».
Зоҳиран бошда қирво, ишқ шарарин дилда тўла,
Ташидан берма баҳо, ичкарига бир қара-боқ,
Баҳрасизларини кувниш мақсадида, эй, Собиър,
Гоҳ қалам тебратасан, гоҳ тутиб қўлга таёқ.

ФАСЛАР ВА БОҒЛАР

Тўрт фасл ўтар, тўртда зебо ясанар боғ,
Ҳар қансисда узгача, аёло ясанар боғ.
Бошида ҳарир, тўйда нелкинчақ, энгимб шох,
Қиш кунлари ҳам кўкс мусофиро, ясанар боғ.
Шафтоли инйиб пушти либос, ҳаммадан олдин,
Кўзларин қилиб ўзига шайдо, ясанар боғ,
Нелганда баҳор: насб этиб боғча тароват,
Бўйлар таратиб ялғуз ваъно, ясанар боғ.
Шоҳларга кўнгиб ялла қилур сайроқни қушлар,
Мушқачага бўлбуя гуё, ясанар боғ.
Ез аста кирар, боғча гўзаллик қўшманам деб,
Гулзор безамин, сайру-томошо, ясанар боғ.
Шоҳсўлада ёз базми гуруллаб, чалишмиб соз,
Гоҳ ақин-ю гоҳида ялло, ясанар боғ,
Куз ҳам кирардир, ширин-шарбат қила тортиқ,
Боғонга ўқиб барча тасанно, ясанар боғ.
Анкиру анор, олма-ю олуз етилиб, оқ,
Баргларга тоғиб болу мураббо, ясанар боғ.
Қайтиб яна қиш!.. Лен унинг наъшаси бошда,
Гулсиз, ниҳисиз, бир ўзи танҳо ясанар боғ.
Қордан чўчиша, ёзининг умиди ила Собиър,
Қордан унадир суя тўла дарё, ясанар боғ.
1971 - йил, Тошкент.



Артист В. Гриченко Иван Глоба ролда.



Артист Г. Хлебникова Вали Глоба ролда.



Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист С. Беньямин Симонов ролда.



Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Асад Азимов Сафонов ролда.

Совет халқи Улуғ Ватан уруши даврида гоёт оғир ва шарафли синовларга бардош бериб, ўзининг энгилмас куч-қудратини, она-Ватанга бўлган беҳис меҳр-муҳаббатини, азиз тулпорни учун жонини ҳам фидо қила олишини кўрсатди. Атоқли адиб К. Симоновнинг «Рус кишилари» драмаси совет халқининг ана шу даврдаги қаҳрамонлиқларига бағишланган. Бу муваффақ асарлар ва драматик театрлар сахнасида ўзифодисини топиб келмоқда. Лекин опера театрлари сахналарида кишиларимизнинг Ватан озодлиги йўлида кўрсатган жасоратларини ёрқин фидолаш ханузгача композицияларимиз, либретточиларимиз олдида қийин ва шарафли вазифа бўлиб келмоқда.

Тошкент консерваториясининг профессори Б. Зейдан ва Навоий номида театрнинг бош режиссёри Г. Геловани бу ишга дадил киришиб, К. Симоновнинг «Рус кишилари» пьесаси асосида шу номда ҳаяжонли опера асари яратишга муваффақ бўлишди. «Рус кишилари» асариде кўрсатилган қаҳрамонларнинг чуқур ватанпарварлик хислатлари, уларнинг жасурликлари, совет кишиларига хос мардлиги, сабот ва матонати замондошларимиз учун низоҳатда қадридир. Асардаги ўткир драматик вазиятлар, кучли тўқнашувлар опера мухлислари қалбини тўқилантиради. Шу сатрларнинг муаллифлари «Рус кишилари» спектаклининг фронт театрлари сахналарида кўршига мухассар бўлишган. Биз Улуғ Ватан урушининг дахшати кунларида бу спектаклини оғир сукунат ва ғазаб туйғулари билан тўлиб томоша қилган совет жангчилари қандай қилган асар воқеаларидан ҳаяжонга тушиб, уруш майдонининг олдинги марраларига отилганини кўрганамиз. Уша вақтда сахнада ҳам, шу яқиндаги жанг майдониде ҳам замбаракларнинг авёсиз гўмбурлашини тинимсиз эшитиб турардик. «Рус кишилари» асариде акс этган ўша воқеалар ханузгача бизни тўқилантиради.

Уруш йиллари қаҳрамон кишиларимиз кўрсатган жасоратини энг ақли замондошларимиз ҳар жабҳада давом эттирмоқдалар. Замондошимиз Валентина Терешкова кўрсатган жасорати «Рус кишилари»даги жасур разведкачи Валентин жасоратини, Ю. Гагариннинг машҳур «қани кетдик...» деб бошланувчи кўтарини кўнгал пьесаде сўнгги оғир топшириқни бажаришга кетаётган, ўзининг омон қолмаслигини сезса ҳам, ҳуш-чаққалиқ билан «булбулжон» қўшини ҳиргойи қилиб қуролдош дўстлари билан хайрашган фельдшер Глобани эслади.

Либретто авторлари пьесанинг сюжетиде асарнинг гоёвий салмоғига келмоқ алоқдор бўлган вазиятларини чиқариб ташлашган, бунинг урнини К. Симоновнинг уруш йиллари кенг шухрат қозонган лирик шеърларидан фойдаланиб, жозибали ария ва дуэтлар яратишган. Бу эса қаҳрамонларнинг руҳий кайфиятларини тўлароқ кўрсатишга хизмат қилган.

Б. Зейданнинг операга яратган партиясири дирижёр А. Абдуқориев ижросиде янада эҳтиросли ва жозибали жангиларди. Операнинг иккинчи кўринишидаги Сафонов билан Валентин дуэти жуда самимий ва мароқли: Бу икки ёш бир-бирини қалбдан севади, лекин бу муҳаббатини изҳор этиш қийин. Чунки Ватан тақдирини ҳал этилаётган вақтда улар севагини фақат дилда сақлашди. Уруш давом этиб турган пайтда ҳамма нарса, ҳатто муҳаббат ҳам алоҳида маъно, ватанпарварлик маъносини касб этди. Валентин шу сахнадаги ухлаб ётган командир қосида ётган ҳазил алласи ҳам мейини ва ёқилди.

«Рус кишилари» операсиде айрим бош қаҳрамонларни ажратиб кўрсатиш қийин. Асарда барча персонажлар актив ҳаракат қилади. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. Азимов ижро этган батальон командири Сафонов образи ишонarli чиққан. Жасур разведкачи қиз Вала (републикада хизмат кўрсатган артистка Р. Лаутнинг камтарлиги, уятчанлиги ва легофати томошабинларда яхши таассурот қолдиранди. Оддий, тортиноқ алоқчи қизлоқ Шуранинг (републикада хизмат кўрсатган артистка Р. Қўчиқова) кейинчалик жасур жангчиға айланishi ҳам етарли асосланган. Бу персонажларнинг ҳаммаси сахнада бичини кўринишидоқ томошабинларнинг меҳрини ўзига тортди.

Афсонавий пахлавлорларга ўхшаш жасур ватанпарвар Глоба образини артист В. Гринченко яратган. Аслида ажойиб овозга ва кучли драматик қобилиятга эга бўлган бу артист ўз ролини яхши ижро этди. Лекин спектакль режиссёри бу персонажнинг ташқи кифосини танлашда бир нарсатга эътибор бермаган. Бизнингча, ҳаёт ҳақиқатига риоа қилинган бўлса, разведкачи ўз хитти-ҳаракати билан кучлироқ атрафдаги жангчилардан ажралиб турмасдан, ҳар қандай вазиятга мослашиб кетадиган одам бўлиши керак. Глоба эса шу жиҳатдан ҳали сўяқ талоб.

К. Симонов образини муҳассамлаштирувчи ҳарбий мухбир Симонов ролни уйғанган республикада хизмат кўрсатган артист С. Беньямин олдида қийин вазифа турарди. Проброар Симонов характеридеги ўткир кузатувчиллик, ақиллик, сезгирлик каби хислатлар С. Беньямин ижросиде яхши талқин этилган.

Умуман олганда операда оташин ватанпарвар ва жасур курашчи рус кишиларининг омади келган. Уларнинг образлари қобилиятли актёрлар ижросиде ёрқин аксини топган. Айни вақтда душманлар—гестапочилар Розенберг (артист Р. Борухов) ва Вернер артист (В. Кузьмин)ларнинг образлари ҳам анча ишонarli. Бу абжир гитлерчи урушқоқлар авторларининг ижодий ниятига кўра кучли ва тадбиркор душманлар, фақат жисмоний жаллод бўлиб қолмай, балки руҳий, маънавий жиҳатдан ҳам уста жаллод эканликлари билиниб туради. Шунинг учун ҳам бу персонажлар томошабинларнинг ҳаққоний нафратини кўзготди.

«Рус кишилари» операсини сахнада ватанпарвар экан, Геловани опера автори, дирижёр, рессом, хормейстери ва артистлар билан ҳамкорлиқда спектаклининг музикавий томонига асосий эътибор берди. Айни вақтда операнинг барча компонентлари ижрочиларга образларнинг воқал ва сахнавий талқинини чуқурроқ очишга ёрдам берди. Спектаклда айрим сахналарнинг режиссёр қандай талқин этганини қизиқари. Иккинчи парда учинчи кўриниш (гестапочиларнинг бошқилари яшаётган бургомистр Харитоновнинг ҳолини) ден ташқари операдаги барча воқеалар ўзгариб турувчи станок устиде руй беради. Станок воқеалар давомида гоҳ Сафоновнинг шахардаги уйчаси, гоҳ ерғула, гоҳ қамқоқона асар охирида эса спектакль қатнашчилари «хайял» бўлиб турадиган тамал-тошча айланди.

Спектаклда оммавий сахналар ҳам муваффақиятли чиққан. Бу ўринда хормейстер С. Шадмоновнинг ижодий изланишлари кўзга ташланди. Хорнинг оҳангдорлиги тинловчиларни кувонтирди. Рессом Т. Шорехомовнинг спектаклга ишлаган беазилар ҳам асар руҳига уйғунлашиб кетган.

Навоий номи опера ва балет катта театрида намойиш қилинаётган «Рус кишилари» операси театр янги мавсумининг биринчи премьерасидир. Бу асар музика санъати мухлисларига манзур бўлади, деб умид қиламиз.

А. САЙДОВ,
музикашунос,
Х. КОЖЕВНИКОВ,
режиссёр.

«ОРОЛ ОВОЗИ» САХНАДА

НУКУС. («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). К. Станиславский номи Қорақалпоқ Давлат музикали драма ва комедия театри Қ. Дусановнинг «Орол овози» асарини сахналаштирди. Пьесани театрнинг баш режиссёри Р. Тураниннинг сахнага қўйди. Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Бердах мунофоти лауреати, рессом Қ. Соқовнинг чиқган дейорациллар спектаклининг бадий жиҳатдан бевади.

Асарда В. И. Ленин ролини Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Дусберган Ранов, Отамурод ролини Қорақалпоғистон халқ артисти Ғабдул Умидуллов, Аллоқ ролини Қорақалпоғистон халқ артисти А. Нугинисов, Шойдагуз ролини артист М. Холмуродовлар ижро этдилар.

«Орол овози» пьесаси томошабинлар томонидан қизғин кутуб олинди.

Р. ЕСИМБЕТОВ.

«Совет Ўзбекистони» конкурсида

ТОНГ КҮЕШИ

У устакондан чиқиб ойна кўёшга тикилиб, хилла кира тортиб қолган кўзлари жимирларди. У кўча айланиши ланг очиб кириб келган неварсон Юнусовнинг севади. Юнусов ҳам қўёшга кўз югуртирди. Бобоси нимани қидирляптикин? Яна қандай нур унинг хаёлини ўғирлядими? Уста Қодирнинг отаси уста Хайдар, уста Хайдарнинг отаси уста Намикнинг отаси ҳам ниманики иш қилишган бўлса, нурни кўнгалдан, назоратчи тобағидан, ифратини келтирилганлардан олишга уринишган экан.

— Топдим, — ўзига-ўзи пичирлаган Қодиржон уста устаконга тошпилади. У йўқотганини топди, ҳайлидан бери тутич бермай зорлангирарётган ўша сеҳргаргини энди рўпарасида жинья қилдипти. Энди отанинг хаёлидан нафосат, бу — отанинг хаёлидан сўймас кур. У ота ясаётган янги дарвоза даққидеда бугун дилбарлиги билан буй кўратмоқчи лоқим. Невара бобосини ширин ва нисон кўчогиде ариалатиб турган йлҳом парисини чўчишиб юбормаслик учун ҳамон ўзини севадирмасди. У оён учиде юриб, ичкари уйга, кейин ошхонага кўз ташлади. Буяиси кўрнмайдди. У устаконга жимлик чўчиғани билди, бобосининг бинга кетди.

— Ассалому алайкум!
— Боринсан, қўнғоқим,
— Юнусовнинг кўнгал бобоси ҳар қачонгидан кўнғоқ ҳар қачонгидан маийн кўришиб кетди. — Бунни кўрдингми, ёқамини, — ота завиқ-шақ билан савоил ташларди. Унинг ана шу савоилари оҳангидан мана шу дарвозага ўйин учун топилган янги нақш гул наққошнинг бошини кўнгал етказиб қўйиш билниб турарди.

— Суюнчи, олоқ дала, — Юнусовнинг кўзлари чарчлади, — радиони айлантирдингми?
— Йиқ, — Қодиржон ота хушёр тортиди, — тиқилчим, тойчоқим?
— Суюнчи, олоқ дала, — деди у яна, — радиодан эшитган хушхабарини айтди. Қодиржон

лаштирди. Уқини ҳарф ўрғатидан бошлайдиган янги мактаб очилганидан дарак топган уста Хайдар ўғлини бошлаб борди. Ғаниҳон домланинг «суеули жадиди» мактаби икки йилда Қодиржоннинг саводини чиқарди. Отасининг маслаҳати билан ўқини Нобуртабий мадрасасида дарвома оттирмоқчи эди. Шу нийт билан тўлиб-тоғиб юрганла мардикорга олиш вақимаси, кейин унинг гагайларин кўтарилди, кўнги кўрган Қўнғалдай шаҳри азим азадор қовлидайд сола-ю, фарёда тўлиди. Дон-лун қундай-қунга тортилиб, шаҳар ақлини, алиғиса хунарамандларни афдор қилди-қўйди. Хунар насодга учради. Уи тўрт фарангли боқини, кийинтириш осомини? «Ейман, чўчман» деб турган болаларнинг қозон осимай қолган кундаги мултираши уста Хайдарни рангитди.

— Бошча бирор иш қидирасинми? — рангир-руйи диминган Шарофатбин арини бозори чаққонор иш топшига уларди.
Эру хотун Ғазларини у тоғдан олиб — бу тоғча уришгани билан қўнғалари қаёқча етарди. Бир олам дубилари — Уи тўрт фарангли бориди. Бир ярим йил қинча ўи нимасидан ағришдики. Осмон узон, ер қаттиқ. Шунча қора кўз, қора қош янгарғушларидан фанат икки фарангли — Қодиржон билан Ойшақонгина қолди. Юрак олдириб, юраклари бир тутам, Ғазлари бир бурда бўлиб қолган ота-она ўғириб турган ота жоёлларини фарангли қўйиб бўлса-да, иккала фаранглининг оғанига тутишди. Подшо ахтдан ағриларгани хандиқ хабардан кейин Қодиржон бутунлай ўт ичиде қолди. Тўриқинчи яна оғриланди.

Ғазлар ота бозорга қошиқ олиб келган кун эди. Юрагига қил сиримасди. Яна-ю яна Ғули Қодиржон қасад ётди. Ота қошиқларини араб-гаров пуллаб қолсаю, тўрроқ яна табибга чопса! Қўнғал қўнғалини олиб қолган ёлғизгинасининг хасталиғини оғани батамом бунди. Нима қилса, оёқча турарини?

Ғайрият, яна хунари асқотди. Хайдар ота ҳолисига ота ва ёғ билан қайтди. Хайдар ота, Шарофатбини, қизлари Ойшақон бутун фикр-эирини, кучларини қошиқ асаишга тўкишди.

Хайдар ота Пулатжон домла Қаноом тақдир билан илм совет мактаби «Дорил муаллимини»да, кечқурун «Дорил шафқат»да уйма-кўрнмайдан дарё бера бошляди. Қодиржон ҳарбий гарнизон буюртмаси бўйича, стол, стул, шакар, қошиқ ясарди.

Ота мактабга Қодиржонни ҳам олиб борди. 1920 йили Хайдар ота қарилди ва хасталик билан дубилди кўз юмгандан кейин Қодиржон отаси ўрнида уймақорини ва наққошларини дарё бериб юрди. У тинимсиз ялангиш, бобо насб-нашнинг ёнғ нозин нучталарига ҳа ҳуш-лаштириш, уларнинг берибёш ўзларини дарвасида ўз кўзи, қўли, дили билан билиниб туриш пайида эди.

— Эшитинишча, Мосовда энг яхши хунарамандларнинг илм қўнғал қўнғалини, — деди бир кунини Парни ҳожа ва Ҳамаза Ҳақимзодадан энг янги дўстларидан бири Маҳмуд Тарашадан ҳо-ҳорига янганган галли айтди. — Ҳамазахожа учра, йўл-йўринини биллади. Қўнғалдан келлади, бирор нарсат талейди.

— Ҳамазахожа анкам ҳаб буюрган эдилар, — деди Қодиржон отасининг дилини ойнаса Парни ҳожага фаранглидек меҳри билан тикилиб, — талейлар қўйди. Шунинг ҳам олиб бериб беришим керак. Раҳмат, ҳожи тоға.

Ҳамаза Ҳақимзода Илғам билан уришганига утүривелдан Қодиржоннинг бошига кўнғал тутиди. Қодиржон сизилган Ойшақоннинг дугонеси, узон қариндошларидан (уянинг номи ҳам Ойшақон) бирининг икки билан аёл-паймон қилди юришарди. Қўли қисқалиб қилиб, бу тўғрида ҳали ҳақ нимга оғиз очмаган эди. Қодиржон Халал қилдиғига кетган Ҳамаза Ҳақимзодадан келганини кутаятган кунлари Ойшақоннинг дугонеси (Қодиржоннинг сизилган) Ойшақон билан хат илтиботи. Ота-опасидан эшитилган аририлиб, тоғаси Соқин ота қўнғал сөгган Ойшақоннинг бирдан-бир қилиқи Қодиржон эди. Эяли ундан ҳам жудо қилинмоқчи. Тоғаси нимгадир улаштин ҳаракатиде. Уянига соғинлар келишибди.

Ойшақоннинг андиша билан кўмак ўзиниб ёлган мактаби. Қодиржонни Соқиннинг тоғасининга югуртирди. Лекин яштанган Соқиннинг тоғасини ҳақоратини бўлди. Қодиржоннинг ағсадан қўнғал Соқинго тоға олган Ойшақонни


ниг тўғини тевлаштириб, умрида қўнғалдан нелига улаштириб қўйди. Ойшақоннинг қон нимма келтирляптикин? Қани, Қодиржон уяи олсидан бўйча ҳам кўрнмайдан ўз ўғлига ўзи кўнғал юрган кунлари Ҳамаза Ҳақимзода кириб келди. Шоир Парни ҳожи билан кўришар экан, Қодиржоннинг тав-тирлягини суринтирди. Қодиржон эялини бурчалди стол ва катор-стуллар қозилар таралди билан юрагинини изҳор этди. У шоирга «Муҳаббат можароси» ҳу-суесиде арз-доқ эътиқиди, ишти-тидан қайтди. «Ҳаммаси тамом-кў».

Ваъдан шунча, отанингица илашган бир баҳасизлик бошқасини еталаб келди. Қўнғал атрафини қийратибтган Ислом пол-воининг кузундўрларидан Эпикат кўрбоши ва Янгиғарлар билан кўнғал қўнғалини талқин этарди. Неча марта ҳолисани босиб, қўнғал қайтди. Лекин бир кунини...

Қодиржон оина Шарофатбини билан оёнини қўнғал олиб, ҳолисаси Хожалойлариникига етиб келди. Янги-сизил Эшмат кўрбоши ўн қовил йилга билан уяни босиб, ҳолисанинг фаранглилари Султонку билан Алиқоннинг бошини уяиб ташлады. Илгаридан ёнғил қўнғалдан хат билан Султонқўнғали тавандан жудо бўлган юзини тўсиб қўйди. «Урларга миллионинг қўнғалини ясаб бераётган Қодиржон кўнғалга Эшмат пон-сондин соғаси» деб ёзилган. Бу хатини ўқиб Қодиржон ўзини на-еорга қўнғалини билмай қолди. Лекин бу пўлпас уяни чўчимади.

Қодиржон тўлиб-тоғиб, қўнғал ёнғил ишлади. «Бу стол билан стуллар вистағача омас, Владимир Илғичга, бева-бечораларнинг пуштипаноқхоғида, — хаёлидан уянардди Қодиржон, — отамнинг аснети ҳақиқе, ҳақиқидеги депсалетётган ҳақиқе, қамбағаллар қўнғалига

СССР билан Монғолия Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ердан тўғрисидаги шартнома...



Европа меҳнатшароити қитъада уруш хавфини қамайтиришни, ГФРнинг социалистик мамлакатлар билан муносабатларини нормал ҳолда бўлишини талаб қилмоқдалар...



АҚШда «Яхудиюларни ҳимоя қилиш» лигасининг бошчилиги кучаймоқда. Унг томондаги суратда Нью-Йоркдаги Америка-Совет дўстлиги жамоати хонасининг лига томонидан уюштирилган безорилик ҳужумидан сўнги манзараси...



АҚШда «Яхудиюларни ҳимоя қилиш» лигасининг бошчилиги кучаймоқда. Унг томондаги суратда Нью-Йоркдаги Америка-Совет дўстлиги жамоати хонасининг лига томонидан уюштирилган безорилик ҳужумидан сўнги манзараси...

ТЕАТР ҲАҚИДА БҮГҮН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА 8.35 — Тошкент. Рус тилида 10.00 — Кинотеатрларда...

ИККИНЧИ ПРОГРАММА 10.00 — Тошкент. Уқув курсатувлари, 12.00 — Москва...

УЧИНЧИ ПРОГРАММА 17.00 — ФРУНЗЕ КУРСАТУВЛАРИ...

18 ЯНВАРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА 16.25 — Тошкент, 18.30 — «Пионеррадио» клуби...

ИККИНЧИ ПРОГРАММА 11.30 — Тошкент, 18.30 — Уқув курсатувлари...

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК НАТТА ТЕАТРИ 17/1 да Оқуш кўли...

КИНО

Сўнги ёдгорлик — САНЪАТ САРОЙИ «СПУТНИК», «ЧАРЛА», «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ»...

Сен менинг юнисиан — НАВОИЙ номли (узбек тилида, кундуз ва кечкурун)...

Эраимдан миллион йил илгари (оралаб соат 11, кундуз 1, кеч бад), Гул ва тош (узбек тилида, кундуз соат 3, кеч 8.20 минутда)...

«Главашкентстрой»нинг 11-«Висострой» курилиши трестини ТРЕСТИЛАРИ КОМБИНАТИ

1 ЯНВАРДА ТУГАТЛАНГАНЛИНИ БИЛДИРАДИ Давлолар Тошкент шаҳар, Ленинград кўчаси, 19-уйда, 1 февралда қабул қилинади.

Планетамизда

ТАРИХИЙ САНА

УЛАН-БАТОР. 15 январь. (ТАСС). Кеча Улан-Баторда Монғолия Халқ Республикаси билан СССР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ердан тўғрисидаги шартнома...

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ПЕНЬЯН. (АПН махсус мухбири). Жанубий Хавхен КХДРнинг ҳосилдор ерларида ҳисобланади. Вилот далаларида республика бўйича ошоқли энгилардан доимо мул ҳосил олиб келинади...

БИТИМ БАЖАРИЛМОҚДА

ҚОҲИРА. 15 январь. (ТАСС). Иордания ҳукумати ва Фаластин озолик ташкилоти Марказий Комитети Иорданияда аҳолини нормаллаштириш тўғрисидаги қарорни тўла амалга ошириш тўғрисида 13 январда ўзаро келишилган шартномани бажаришга киришди...

У Россиянинг дўсти эди...

БЕГРАД. (АПН мухбири). Югославияда Петр Негошнинг мавзелининг таъин этиш учун маблағ тўлаш бошланди. У Черногориянинг давлат арбоби, шоири эди...

ШАРМАНДАСИ ЧИҚҚАН СИЁСАТ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Сенат юридик комиссиясининг қўқчилар иши билан шуғулланувчи кичик комиссияси раиси сенатор Э. Кеннеди айтдики, Сайгон маъмурули ёстнамани қочқинларга нисбатан шармандаси чиққан ва ўз оқибатини яқинлаштиришга эҳтишам қилмоқдалар...

«Тишини қайтариб олсин»

ЛОНДОН. (АПН мухбири). Операция жуда муваффақиятли ўтди, илора ходими янгиликлардан Брауннинг тиши биринчи қўриққоғида топилиб қолган...

Совет делегациясининг бошлиғи Пекинга келди

ПЕКИН. (ТАСС). СССР билан ХХР ўртасидаги музокараларда Совет ҳукумат делегациясининг бошлиғи СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Л. Ф. Ильичев Пекинга келди...

«ЯРМАРКА КУБОГИ»

СССР футбол федерацияси президиуми совет командаларининг бу йилги «Ярмарка кубоги» учун курашда иштироки бўйича қарор қабул қилди...

Совет Узбекистони. Бизнинг адрес ва телефонлар: ГОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОК» қўчаси № 26. Редактор — 336455, Редактор Уринбосарлари — 337914, 339 323...